

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА  
ТЕЛЕКОММУНИКАТЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ  
ТОШКЕТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

«Химояга рухсат»

АТДТ кафедраси мудири

т.ф.н Б.Б.Ақбаралиев  
(каф. муд. имзоси, Ф.И.Ш.)

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2014 й.

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Мавзу: Илмий мақолаларни on-line чоп этиш дастурий воситасини  
ишлаб чиқиш (сайт)**

Битирувчи	_____	<u>Маматов К.М.</u>
	(имзо)	(Ф.И.Ш.)
Раҳбар	_____	<u>Махманов О.</u>
	(имзо)	(Ф.И.Ш.)
Такризчи	_____	<u>Бегимов Ў.</u>
	(имзо)	(Ф.И.Ш.)
ҲФХ бўйича маслаҳатчи	_____	<u>Амурова Н.Ю.</u>
	(имзо)	(Ф.И.Ш.)

ТОШКЕНТ - 2014

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА  
ТЕЛЕКОММУНИКАТЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ  
ТОШКЕТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Дастурий инжиниринг факультети АТДТ кафедраси Информатика ва  
ахборот технологиялари йўналиши

ТАСДИҚЛАЙМАН  
Кафедра мудири  
Б.Б.Ақбаралиев \_\_\_\_\_  
“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2014 йил

**Битирув малакавий иш учун**

**Т О П Ш И Р И Қ**

**Маматов Комрон Масаитович**

1. Иш мавзуси “Илмий мақолаларни on-line чоп этиш дастурий воситасини ишлаб чиқиш (сайт)”
2. Университетнинг 2014 йил 25 февралдаги 154-16-сонли буйруғи билан тасдиқланган.
3. Ишни ҳимояга топшириш муддати: 02.06.2014йил
4. Ишга оид дастлабки маълумотлар: тадқиқот тизимининг тавсифи, тизимни яратишга техник топшириқ, объектнинг тизимли ва ишчи лойихаси ва ҳ.к.лар
5. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувнинг мазмуни (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати): танланган мавзунинг долзарблигини асослаш; тадқиқоднинг мақсади ва уни амалга оширишда ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларни аниқлаштириш; тадқиқод предмети ва объектини аниқлаш ва тавсифлаш; тадқиқод натижаларини таҳлил қилиш ва қайта ишлашни олиб бориш; хулосалар келтириб чиқариш, олинган натижаларни баҳолаш ва таълим соҳасига тадбиқ этиш учун таклифлар бериш.
6. График материаллар рўйхати:1) Сайтни яратиш технологияси, 2) Таълим тизимида фойдаланилаётган сайтлар 3) Сайт структураси 4) Сайтнинг тузилиш схемаси, 5) Сайтнинг интерфейслари , 6) Сайтнинг умумий кўриниши, 7) Хулоса
7. Топшириқ берилган сана: 2014 йил 28 феврал.

Раҳбар

\_\_\_\_\_  
(имзо)

Топшириқ олдим

\_\_\_\_\_  
(имзо)



8. Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар

Қисм	Маслаҳатчи ўқитувчининг Ф.И.Ш.	Имзо, сана	
		Топшириқ берилди	Топшириқ олинди
Кириш	Махманов О.	28.02.2014	
Назарий қисм	Махманов О.	06.03.2014	
Асосий қисм	Махманов О.	19.04.2014	
Амалий қисм	Махманов О.	26.04.2014	
Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	Амурова Н.Ю.	05.05.2014	
Хулоса	Махманов О.	24.05.2014	

9. Ишни бажариш графиги

Т/р	Иш қисмларининг номи	Бажариш мудати	Раҳбар (маслаҳатчи белгиси)
1	Web технологиялардан фойдаланиш	03.03.2014	
2	Web сайтни яратиш технологияси ва дизайни	25.04.2014	
3	Сайтнинг маълумотлар базасини бошқариш технологияси ва Фойдаланувчи йўриқномасини ишлаб чиқиш	05.05.2014	
4	Хулоса ва тавсиялар	26.05.2014	
5	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	31.05.2014	

Битирувчи \_\_\_\_\_  
(имзо)

2014 йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Раҳбар \_\_\_\_\_  
(имзо)

2014 йил «\_\_» \_\_\_\_\_

## MAZMUNHOMA

Битирув малакавий иши Республикамизнинг барча олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган ёш олимлар, ёш ўқитувчилар, мустақил тадқиқотчилар, магистрантлар ҳамда талабаларнинг илмий мақолаларини on-line режимда чоп этиш имконини берадиган web сайт яратишга бағишланган.

Ушбу сайт HTML, CSS, JavaScript, JQuery технологиялари ва PHP дастурлаш тили асосида яратилди.

## АННОТАЦИЯ

Выпускная квалификационная работа посвящена созданию сайта позволяющий молодым ученым, преподавателям, магистрам и соискателям размещать свои научные материалы в он-лайн режиме.

Этот сайт был разработан на основе HTML, CSS, JavaScript, JQuery технологии и программного языка PHP.

## SUMMARY

Graduate work is devoted to the creation of the web site allows young scientists, teachers, graduate and job seekers to post their scholarly materials in the online mode.

This site has been developed based on HTML, CSS, JavaScript, JQuery technology and PHP programming language.

## МУНДАРИЖА

KIRISH.....	6
1. WEB ТЕХНОЛОГИЯ ВА УЛАРНИНГ ТАХЛИЛИ.....	9
1.1. Ахборот технологияларининг қўлланилиши.....	9
1.2. Web технологиялардан фойдаланиш.....	14
1.3. Масаланинг қўйилиши.....	23
2. МАҚОЛАЛАРНИ ON-LINE ЧОП ЭТУВЧИ WEB САЙТНИ ЯРАТИШ .....	24
2.1. Web сайтни яратиш технологияси ва дизайнини ишлаб чиқиш.....	24
2.2. Сайтнинг маълумотлар базасини бошқариш технологияси....	30
2.3. Фойдаланувчи учун йўриқнома ишлаб чиқиш.....	37
3. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ.....	44
3.1. Микроклим ва ишчи худудининг ҳаво муҳити.....	44
3.2. Иш жойини тўғри ташкил қилиниши.....	48
ХУЛОСА.....	53
Фойдаланилган адабиётлар.....	54
ИЛОВА.....	55

## КИРИШ

Республикамиздаги барча соҳаларда илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда уларни ривожлантириш мақсадида жуда кўп салмоқли ишлар қилинмоқда. Жумладан бу соҳаларнинг барча йўналишларига ахборот технологияларини тадбиқ қилиш ҳозирги куннинг талаби ва муаммосидир. Президентимиз такидлаганларидек, “XXI –аср ахборот асри” дир. Бу борада, Президентимиз И.А.Каримов 2011 йил 11 январда тармоқлараро мувофиқлаштириш кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқида, “миллий ахборот тизимини шакллантириш, интернет тизимига ва бошқа глобал ахборот тизимларига ва технологияларига, мамлакат салоҳиятини XXI асрда ўсишини таъминловчи омил сифатида қараш лозим”лигини айтиб ўтдилар. Бундан шуни такидлаш лозимки, давлатимиздаги барча соҳаларда ахборот технологияларини қўллаш, самарали ва қулай бўлган кенг қамровли ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва уларни татбиқ қилиш сезиларли даражада мамлакат ижтимоий ҳаёти ва иқтисоди учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2012 йил 21 – март куни “Замонавий ахборот – коммуникация технологияларини янада кенгрок жорий қилиш ва ривожлантириш чора тадбирлар тўғрисида” ги қарори имзоланган. Бунга асосан ахборот – коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг асосий босқичи ҳисобланаётган ахборот тизимларини жорий этиш билан биргаликда, улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга оид вазифаларнинг ижроси бўйича аниқ чора – тадбирлар белгилаб олинди. Демак бундан кўриниб турибдики, барча соҳаларда жумладан, интернетга уланувчи мижозларнинг сўровларга жавоб беришни автоматлашган тизимларини қўллаш бу тизимни самарали бошқариш учун сезиларли даражада ёрдам беради [1].

Ҳозирги кунда жамиятнинг барча соҳаларида инернет орқали ахборот алмашиш тизимларини ташкил қилиш, тизимнинг барча йўналишларини замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда самарали бошқариш учун сезиларли даражада эҳтиёж туғилмоқда. Шу мақсадда айтиш

мумкинки, илмий иш бўйича олинган натижаларни мақола кўринишида интернетда фойдаланувчилар учун тақдим этиш ва бу маълумотлар илмий янгиликларни билиш учун хизмат қилади.

Кундалик ҳаётда кўпчилик интернет, глобал компьютер тармоғи тушунчалари билан тўқнашади. Интернет пайдо бўлиши билан исталган ахборотни замон ва маконига боғлиқ бўлмаган ҳолда олиш имконияти яратилди. Бундай имконият унинг жуда юқори суръатда ривожланишига сабаб бўлди. Интернет компоненталарининг жаҳон бўйича номарказлашуви натижасида бугунги вақтда унинг кўламини аниқ тасаввур қилиш қийин. Интернет хизматидан фойдаланадиган компьютерларнинг сони 1995 йил баҳорида қилинган тахминларга асосан, 30 миллионни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 50 миллиондан ошиб кетди. Вақт ўтиши билан Интернет ва унинг хизматлари радио, телефон ва телевидение каби содда ахборот узатиш воситаларига айланиб бормоқдати. Ҳозирда бутун дунёда қолаверса, республикамизда ҳам интернет тармоғидаги турли хил хизматларни яратиш методлари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган ва буларга мос ахборот тизими ва бу тизимни бошқарувчи дастурий воситалар яратилган. Бундай дастурий таъминотлар ёрдамида ёш олимларнинг, ёш ўқитувчилар ва мустақил тадқиқотчиларнинг олиб бораётган ишлари натижалари кенг оммага ҳавола қилиш, матбуотда чоп этириш жараёнларини ташкил этиш долзарб муоммолардан биридир.

Шу боис Республикамизнинг барча олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган ёш олимлар, ёш ўқитувчилар, мустақил тадқиқотчилар ҳамда магистрантларнинг илмий мақолаларини on-line режимда чоп этиш имконини берадиган web сайт яратиш ушбу ишда мақсад қилиб олинган.

**Ишнинг тузилиши:** Битирув малакавий иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан ташкил топган. Ишнинг асосий матни 65 бетдан иборат.

Биринчи бобда ахборот технологияларининг қўлланилиши ва web технологиялардан фойдаланиш ҳақида маълумот берилган. Ҳамда битирув малакавий ишининг асосий мақсади ва масаланинг қўйилиши ҳам баён этилган.

Иккинчи боб web сайтни яратиш технологияси ва дизайни, сайтнинг маълумотлар базасини бошқариш технологияси, фойдаланувчи йўриқномасини ишлаб чиқишга бағишланган.

Учинчи боб ҳаёт фаолияти хавфсизлигига бағишланган.

Хулосада битирув малакавий ишининг асосий натижалари баён этилган. Иловада дастур кодлари келтирилган.

## 1. Web технология ва уларнинг тахлили

### 1.1. Ахборот технологияларининг қўлланилиши

Ахборотни узатиш компьютерлар орасида ҳисоблаш техникаси вужудга келган даврдан мавжуд. Унинг ёрдамида айрим компьютерлар ишлашини, битта масалани бир нечта компьютер ёрдамида ечилиши, ҳар бир компьютердан қандайдир битта функцияни бажаришга ихтисослаштиришни, биргаликда манбалардан фойдаланишни ва бошқа кўплаб масалаларни ҳал қилинади. Ахборот алмашинувининг ҳозирги даврда усуллари кўп: оддий диск ёрдамида файлларни кўчиришдан, тортиб, бутун дунё компьютерларини боғловчи интернет тармоқларини киритиш мумкин.

Кўпинча “локал тармоқлар” термини том маънода тушунилади, яъни локал тармоқлари дейилганда, кичик локал ўлчамларга эга, яқин жойлашган компьютерларни боғлаш тушунилади. Лекин, бу таърифнинг жуда ҳам аниқмаслигини айрим локал тармоқлар характеристикаларини кўриш орқали тушунилади. Масалан, айрим локал тармоқлар бир неча километр ёки хатто ўнлаб километр масофада ҳам алоқани осонлик билан таъминлайди. Бу ўлчам хона, бино, яқин жойлашган бинолар учун эмас, балки бутун шаҳарга тегишли бўлиши мумкин. Бошқа томондан қаралганда, глобал тармоқ орқали, бир хонада жойлашган компьютерлар ҳам ўзаро боғланиши мумкин, бу негадир локал тармоқ деб юритилади. (WAN, WIDE AREA NETWORK, GLOBAL AREA NETWORK) ташқи интерфейс режими ёки кабелсиз инфра қизил каналлар орқали яқин жойлашган компьютерларни боғлаш мумкин, лекин бу ҳам тармоқ дейилади. Локал тармоқли кўп бўлмаган компьютерларни боғловчи кичик тармоқ дейилиши тўғри эмас. Ҳақиқатдан ҳам локал тармоқ икки ва ундан ортиқ компьютерларни боғлайди. Лекин айрим локал тармоқларнинг имкониятлари анча юқори бўлиб, унга уланган абонентлар мингга етиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу тармоқни кичик дейиш тўғри бўлмайди.

Бир неча муаллифлар локал тармоқни “бир–бири билан бевосита боғланган компьютерлар тизими” деб аташади. Бунда ахборот

компьютерлардан компьютерларга бевосита ва ягона муҳит орқали узатилади деб тушунилади. Бироқ, замонавий локал тармоғида ягона узатиш манбаи ҳақида гапириш тўғри эмас. Масалан, битта тармоқда турли типдаги электр кабеллари билан бирга оптик толали кабеллар ҳам ишлатилади. Ахборотни бевосита узатишга берилган таъриф жуда ҳам тўғри эмас, чунки узатилаётган ахборотни қайта ишлашни таъминловчи турли концентраторлар, коммутаторлар, маршрутизаторлар, кўприклардан фойдаланилади. Уларни воситачилар деб аташ ёки атамаслик жуда ҳам тушунарли эмас.

Фойдаланувчилар учун билинмайдиган боғланишли тармоқларни-локал тармоқлар деб аташ тўғри бўлади. Локал тармоғига боғланган компьютерлар моҳияти жиҳатидан 1 та виртуал компьютерга бирлашади, уларнинг манбалари барча фойдаланувчилар учун очик бўлади. Қулайлик деганда, 1-навбатда бу ҳолатда кириш йўлининг юқори ҳақиқий тезлиги тушинилади, бунда иловалар орасидаги ахборот алмашинувини фойдаланувчилар сезмайдилар. Бу таърифга на секин ишловчи глобал тармоқлар, на кетма-кет ёки параллел порт орқали боғланишлар тушмайди.

Бу таърифдан кўринадики, локал тармоқда ахборот узатиш тезлиги албатта кенг тарқалган компьютерларнинг тезлиги ошган сари ўсиши лозим. Ҳозир худди шу нарса кузатилмоқда. Агар яқиндагина 1-10 Мбит/с тезлик етарли ҳисобланган бўлса, ҳозир тармоқнинг ўртача тезлиги 100 Мбдир ва уни 1000 ва ундан юқори тезликка чиқариш устида ишлар фаол олиб борилмоқда. Кичик тезликларда алоқа узатиш тармоққа бирлашган виртуал компьютернинг ишини жуда секинлаштиради.

Шундай қилиб, локал тармоқни бошқа тармоқлардан фарқи унинг юқори тезлигидадир. Лекин, бу ягона фарқланиш эмас, бундан бошқа омиллар ҳам мавжуд.

Масалан, ахборот узатишда хатоларнинг камлиги муҳимдир. Чунки, тез узатиладиган, лекин хатолар билан бузилган ахборотлар маъносиз-уни бошқатан узатишга тўғри келади. Шунинг учун локал тармоқлар махсус сифатли алоқа йўлларида фойдаланалади.

Тармоқнинг яна муҳим жиҳати шундаки, унда катта юкланишлар билан, яъни ахборот алмашинувунинг кўплиги (ёки катта трафик билан ишлаш ҳам дейилади) билан ҳарактерланади. Агар тармоқда ишлатилаётган бошқарув механизми жуда ҳам самарали бўлмаса, у ҳолда, компьютерлар ахборот узатиш учун ўз навбатини узоқ кутиб қоладилар, кейин узатиш катта тезликда ва беҳато бўлган тақдирда ҳам бу фойдаланувчи учун барча тармоқ манбаларига киритишни анча секинлаштиради.

Ҳар хил бошқарув механизмининг ишончли ишлаши учун, тармоққа уланадиган компьютерлар сони олдиндан аниқ бўлиши лозим. Тармоққа кўзда тутилмаган абонентларнинг қўшилиши унинг ишини анча секинлаштиради ва ниҳоят том маънодаги тармоқ деганда, ҳеч бўлмаганда бир нечта 10 та компьютерларни бирлаштирувчи тизим тушинилади.

Шундай қилиб, локал тармоқ қуйидаги белгилар орқали фарқланиши мумкин:

- узатишнинг юқори тезлиги, катта ўтказиш қобилияти;
- узатишдаги паст даражали хатолик (ёки юқори сифатли алоқа каналлари каби);
- самарали ва тез ҳаракатланувчи алмашувнинг бошқарув механизми;
- тармоққа уланган компьютерларнинг аниқ, чегараланган сони.

Бундан тушунарли бўладики, глобал тармоқлар локал тармоқлардан чегарилмаган абонентлар сони, унчалик сифатли бўлмаган алоқа каналлари ва нисбатан паст узатиш тезлиги билан фарқланади. Глобал тармоқларда энг муҳими алоқа сифати эмас, балки унинг мавжудлигидир.

Яна бир компьютер тармоқлари синфи-шаҳар тармоқлари бўлиб, улар одатда глобал тармоқларда яқин бўлади, лекин баъзи томонлари билан локал тармоққа ўхшайди, масалан, узатишнинг юқори сифатли алоқа каналлари ва нисбатан юқори тезлиги. Ҳақиқатан ҳам шаҳар тармоғи ўзининг барча устунликлари билан локал тармоғи бўлиши мумкин.

Албатта ҳозир локал ва глобал тармоқлар ўртасига аниқ чегара қўйиб бўлмайди. Кўпгина локал тармоқларда глобал тармоққа кириш имконияти

мавжуд, лекин узатилаётган ахборотнинг характери, алмашувни ташкил қилиш тамойили локал тармоқ ичидаги манбаларга кириш режимлари глобал тармоқдагидан катта фарқланади. Глобал тармоққа кириш имконияти локал тармоққа яна бир манба бўлиб хизмат қилади. Локал тармоқнинг барча компьютерлари глобал тармоққа улангани билан локал тармоқнинг ўзига хослигига таъсир қилмайди.

Локал тармоқлар орқали турли рақамли ахборотлар узатилиши мумкин: маълумотлар, тасвирлар, телефон суҳбатлари, электрон хатлар ва ҳ.к. Таъкидлаш жоизки, тасвирларни узатиш масаласи айниқса (тўлиқ рангли динамик тасвирларни) тармоқ тезлигига жуда катта талаблар қўяди. Кўпроқ локал тармоқлардан диск майдони, принтерлар ва глобал тармоққа чиқишда фойдаланилади, лекин буларнинг ҳаммаси локал тармоқлар таклиф этилаётган имкониятларнинг бир қисмигагина ҳолос. Масалан, улар турли типдаги компьютерлар орасида ахборот алмашинувини таъминлайди. Тармоқ абонентлари сифатида фақатгина компьютерлар эмас, балки принтерлар, платтерлар, сканерлар каби бошқа қурилмалар ҳам бўлиши мумкин.

Локал тармоқлар баъзи камчиликларга эга. Қурилмалар ва тармоқ таъминоти, ўқитишга кетадиган қўшимча харажатлардан ташқари албатта, тармоқ ишини назорат қилувчи, тармоқни такомиллаштиришни амалга оширувчи, манбаларга киришни бошқарувчи, носозликларини тuzатувчи мутахассис. Яъни тармоқ администратори керак. Тармоқлар компьютер жойини ўзгартириш имкониятини чегаралайди, чунки бу ҳолда уланиш кабелларини ўрнатишга тўғри келади. Бундан ташқари тармоқлар компьютер вирусларини тарқалишига ажойиб муҳит яратади, шунинг учун ҳимоя массаларига алоҳида компьютерга қараганда кўпроқ эътибор бериш лозим.

Бу ерда сервер ва мижоз каби миҳим тушунчалар ҳақида тўхталиб ўтамиз. Сервер тармоқлар абоненти ҳисобланади, у ўзини манбаларини бошқа абонентларга тақдим этади, лекин ўзи бошқа абонентлар манбаларидан фойдаланмайди, яъни фақат тармоққа хизмат қилади. Сервер тармоққа бир нечта бўлиши мумкин ва албатта сервер энг қувватли

компьютер бўлиши шарт эмас. Ажратилган сервер-фақат тармоқ масалалари билан шуғулланади. Ажратилмаган сервер-тармоқларга хизмат қилиши билан бирга, бошқа масалалар билан шуғулланиши мумкин. Сервернинг спесифик тури-тармоқ принтеридир.

Мижоз деб, тармоқ манбаларидан фойдаланадиган, лекин ўзининг манбаларини тармоққа бермайдиган, яъни тармоққа хизмат қиладиган абонент тушинилади. Мижоз компьютерни кўпинча ишчи станция деб ҳам юритилади. Демак, ҳар бир компьютер бир вақтнинг ўзида ҳам мижоз, ҳам сервер бўлиши мумкин.

Сервер ва мижоз дейилганда, кўпинча компьютерларнинг ўзи эмас, балки улар учун ишловчи дастурий иловалар тушинилади. Бу ерда ўз манбаларини тармоққа берадиган илова сервердир, тармоқ манбаларидан фойдаланувчи эса мижоз бўлади.

## 1.2. Web технологиялардан фойдаланиш

Web-технологияни (Интернет-технология) ўрганишни Web-дизайннинг куйидаги учта тушунчасини ўрганишдан бошлаймиз: Web-саҳифа, Web-сайт ва Web-сервер [5,6].

**Web-саҳифа** – ўзининг уникал адресига эга бўлган ва махсус кўриш дастури ёрдамида (браузер) кўрилувчи ҳужжатдир. Унга матн, графика, овоз, видео ёки анимация маълумотлар бирлашмаси - мультимедияли ҳужжатлар, бошқа ҳужжатларга гипермуружаатлар кириши мумкин.

**Web-сайт** – бир қанча web-саҳифаларнинг мантиқий бирлашмаси.

**Web-сервер** – тармоққа уланган компьютер ёки ундаги дастур ҳисобланиб, умумий ресурсларни клиентга тақдим этиш ёки уларни бошқариш вазифаларини бажаради. Web-серверлар маълумотлар базалари ва мультимедияли маълумотларни бир бирига мослаштиради; Web-серверда Web-саҳифа ва Web-сайтлар сақланади.

Биз Интернет тармоғидаги Web-саҳифаларни кўришимиз учун **WWW (World Wide Web)** деб аталувчи сервисдан фойдаланамиз.

**World Wide Web (WWW, Бутун дунё ўргемчак тўри)** – бу клиент-сервер технологияси асосида ташкил этилган, кенг тарқалган Internet хизматидир.

**HTML, XML, XHTML, WML.** Web-технологиянинг (Интернет-технология) Web-дизайн қисмини ўрганишни разметка тил таснифи билан бошлаймиз [6].

Махсус тил мавжуд бўлиб, бу тил ёрдамида матнлар, график маълумотлар Web-саҳифа ҳужжатга жойлаштирилади ва бу ҳужжатни барча компьютерда кўриш имконияти мавжуддир. Уларнинг асосий вазифаси – Web-саҳифага “маълумотларни жойлаштириш” ва улар орасидаги алоқани (гиперссилокалар) таъминлашдан иборат.

**HTML (HyperText Markup Language).** Дастлаб World Wide Web тизими матнли маълумотларни ва **HTML** ҳужжатларни кўришга мўлжалланган, матнни тахрирловчи тилга ўхшаш тизим бўлган. Айни дамда

HTML тили WWW дага энг оммабоп тиллардан бири ҳисобланади. HTML тилида ёзилган маълумотлар ўз ичига матн файллар, график маълумотлар ва бошқаларни олади.

Хужжатлар орасидаги алоқани таъминлаш ва маълумотларни форматлаш воситалари тэг (tag) деб аталувчи восита орқали амалга оширилади.

Web-саҳифанинг матн ва тэглари аралаш равишда **HTML-хужжат** деб аталувчи файлининг ичига жойлаштирилади. Қандай тэгни қўллаганингизга қараб браузер ойнасида маълумотлар турлича кўринади. HTML хужжатга маълумотларни жойлаштириш ва таҳрирлаш учун юзлаб тэглари мавжуд. Масалан, **<p>** ва **</p>** тэглари абзацни ташкил этади, **<i>** ва **</i>** жуфт тэглари эса, матнни ёзма (курсив) ҳолда кўрсатиш учун қўлланилади. Шу билан бирга гиперматнли ссилкалар тэглари ҳам мавжуд. Ушбу элементлар фойдаланувчига гиперматн устига сичқонча курсори босилганда бошқа хужжатга боғланиш имконини беради.

**XML (eXtensible Markup Language).** XML тили ҳам HTML тилига ўхшаш тил ҳисобланади. HTML дан фарқли томони шундаки, XML да дастурчи ўзининг шахсий тэглари яратади ва улар орасига маълумотлар жойлаштирилади. XML-тэглари ҳарфлар катта кичиклигини фарқлайди.

**XHTML.** XHTML тили HTML ва XML тилларининг бирлашмасини ташкил этади. XHTML тилида ёзилган хужжатнинг ташқи кўриниши платформага боғлиқ (Windows, Mac ёки Unix) равишда ўзгариб кетмайди. Шунга қарамай XHTML таркибида HTML дискрипторлардан фойдаланилади.

Бугунги кунда мобил алоқа воситаларидан фойдаланувчилар учун янги тил ишлаб чиқилган бўлиб, у **WML (Wireless Markup Language)** деб аталади; **CDF (Channel Definition Format)** - Microsoft ишлаб чиққан браузерларда push-канал ҳосил қилишда қўлланилади;

**Сценарийли тиллар. "клиент-сервер" технологияси.** Ҳозирда Web-саҳифанинг ривожланиши янада интерактив поғонасига чиққан. Web-сайтлар

аста секинлик билан иловалар интерфейсига ўхшаб бормокда. Буларнинг барчаси замонавий Web-дастурлаш технологияси ёрдамида амалга ошмоқда.

Web-дастурлаш технологияларини, дастурларини асосан иккита қисмга ажратиш мумкин: **клиент томонидаги дастурларлаш** (client-side) ва **сервер томонидаги** (server-side). Ушбу технологияларни тушуниш учун аввало бевосита **"клиент-сервер" технологиясини** тушуниш керак.

Web-саҳифанинг интерактив дастури сценарий деб аталади.

Бундай атама дастурнинг натижасига боғлиқ ҳолда вужудга келган. Унинг асосий вазифаси Web-саҳифасида фойдаланувчи ҳолатига, ҳаракатига «реакция» беришдир.

Шу тариқа сценарийлар клиент томонида бажарилувчи ва сервер томонида бажарилувчи сценарийларга бўлинади. Клиент томонида бажарилувчи сценарийлар браузер ёрдамида бажарилади. Сервер томонида бажарилувчи сценарийлар эса Web-сервер ёрдамида бажарилади.

**JavaScript.** JavaScript – бу тил Netscape ва Sun Microsystems томонидан яратилган бўлиб, Web-саҳифанинг фўнкционал имкониятларини орттириш мақсадида қўлланилади.

JavaScript ёрдамида одатда маълумотли ва мулоқот ойналарини чиқариш, анимацияларни кўрсатиш каби вазифаларни бажариш мумкин. Бундан ташқари, JavaScript-сценарий баъзан ўзи ишлаб турган браузер ва платформа типини аниқлаш мумкин. JavaScript-сценарийлар фойдаланувчи томонидан киритилаётган маълумотларни тўғрилигини текширишда ҳам қулай ҳисобланади.

**VBScript.** VBScript тили Microsoft корпорацияси томонидан яратилган бўлиб, Visual Basic тилининг бир қисми ҳисобланади. VBScript тили Internet Explorer ва Microsoft Internet Information Server (IIS) лар билан ишлашга мўлжалланган тилдир.

VBScript тилининг JavaScript тили билан умумий қисимлари бир нечта, жумладан у айнан Microsoft Internet Explorer билан ишлаш ва унинг қўлланиш соҳасини чеклай олиш имкониятига эга. VBScript интерпретаторли

тил ҳисобланиб, Microsoft нинг Web-технологиялари билан ҳамкорликда ишлай олади, масалан ASP (Active Server Page) билан. Шунга қарамай VBScript клиент томонида ишловчи сценарий ҳисобланади, ASP эса сервер томонида ишлайди.

**Perl.** Perl тили Web-иловалар яратишда энг оммабоп тиллардан бири ҳисобланади. Матнларни қидириш ва тахрирлаш, файллар билан қулай ишлай олиш қоидалари билан Perl тили Internet нинг асосий тилларидан бири бўлиб қолди. Perl – интерпретаторли тил ҳисобланади, шу боис унда яратилган сценарийлар ишлаши учун сервер компьютерда Perl-интерпретатор ўрнатилган бўлиши керак.

Бевосита Perl-коднинг интерпретация қилиниш жараёни унинг самарадорлигини пасайтиради. Бугунги кунда Perl нинг асосий ютуқларидан, унинг барча платформалар учун ишлай олиши ва унинг барча ресурслари бепул тарқатилаётганлигидир. Кўпгина Web-серверлар UNIX да ишлайди, Perl интерпретатор эса бу операцион тизимнинг бир қисми ҳисобланади.

**ASP (Active Server Pages).** ASP-маълумотлар базалари ташкил этиш ва улар билан ишлаш вазифаларини бажаришда жуда мослашувчан, қулай воситадир. ASP воситалари сервер томонида ишлайди ва HTML-код ва сценарийлар каби фойлларни қайта ишлайди. ASP технологияси VBScript, Java ва JavaScript тилларини қўллаб қувватлайди. ASP-код ихтиёрий HTML-хужжатдан, шу билан бирга бошқа ASP-хужжатдан чавирилиши мумкин. ASP-код жойлаштирилган Web-саҳифалар файллари кенгайтмаси **.asp** бўлади.

ASP технология Windows NT ва Microsoft IIS Web-серверига мўлжалланган ҳисобланиб, имкониятлари ва самарадорлиги юқори бўлганлиги боис кўпгина компаниялар ўз воситаларига ASP ни қўллаб қувватлаш имкониятларини киритмоқдалар. ASP-воситаларини ишлаб чиқиш бўйича йирик компания Chillsoft Лидер среди независимых производителей ASP-средств – компания Chillsoft UNIX нинг бир қанча тури ва турли Web-

серверларди ASP ни қўллаш имкониятини киритган. Кўпгина HTML-муҳаррирлар, масалан Adobe GoLive ҳам ASP ни қўллаб қувватлайди.

ASP технологияси бир нечта қулайликларни ўзида жамлаган: HTML-хужжатни динамик генерациялайди, формаларни қўллаб қувватлайди, маълумотлар базасига рухсатни ташкил этади ва у билан ишлай олади. ASP – дастурлаш тили ҳам, илова ҳам эмас, у интерактив Web-саҳифа ҳосил қилиш технологияси.

**PHP.** PHP – бу серверда қайта ишланувчи сценарийлар тилидир. ASP каби PHP кодлар ҳам бевосита HTML-хужжатни таркибига қўшилади. Ушбу тилнинг номи Personal Home Page Tools сўзларининг қисқартмасидан олинган. PHP да C ва Perl тилларида учраган бир қатор муаммолар ҳал этилган, бундан ташқари, PHP маълумотлар базаси билан ишлаш учун жуда қулай воситадир. Умуман олганда Perl, PHP – очиқ тизимли тиллар ҳисобланади ва уларни дастурчилар модернизациялаштира олади.

**JSP.** JSP (JavaServerPage) технологияси ўзининг функционал имкониятларига кўра ASP га ўхшашдир. Асосий фарқи шундаки, бунда VBScript ва JavaScript билан бирга Java тили ҳам қўлланила олади. Шунга қарамай JSP Java дан олдинроқ қўлланилган ва ушбу технология мукамал Web-иловалар яратиш учун етарли имкониятга эга.

**SSI.** SSI (Server Side Include) воситаси дастлаб HTML-файлни дастлаб серверда қайта ишлайди ва ундан сўнг уни клиентга узатади. Дастлабки қайта ишлаш вақтида хужжатга динамик генерация қилинган маълумотлар қўшилади, масалан жорий вақт ҳақидаги маълумот. Умуман олганда SSI технологияси HTML-файлнинг таркибига қўшимча қўлланмалар қўшишга мўлжалланган, HTMLнинг қисми ҳисобланади.

**PHP web дастурлаш тили имкониятлари.** Ҳозирги кунда интернет кенг оммалашгани сабабли, замон тараққиётини web-технологиясиз тассавур этиш мумкин эмас. Web технологияларига талаб ошган сари Web-дастурлаш тилларини билиш ҳар бир дастурчи учун муҳим вазифа саналмоқда. Шуларни инобатга олган ҳолда замонавий web-дастурлаш

тилларидан бири ҳисобланган, содда, ўрганишга қулай, барча маълумотлар базаси билан ишлай оладиган PHP ҳақида батавсилроқ тўхталишга ният қилдик. Келгусида бу тил ўзбек тилида ёритилиб борилади ҳамда мутахассис ва ўрганувчилар учун форум ташкил қилинади.

**PHP – web технология тили.** PHPни ўрганиш учун аввал HTML ва дастурлаш тилидан хабардор бўлиш талаб қилинади. HTML/CSS ва JavaScript ларни мукамал билгувчилар учун PHPни ўрганиш мураккаблик туғдирмайди. PHPнинг вазифаси HTML файлини яратиб бериш. JavaScript ёрдамида бажариладиган кўпгина операцияларни PHP орқали ҳам амалга ошириш мумкин, аммо эътибор қилиш лозимки, PHP – серверда; JavaScript – клиент томонда бажарилади. PHPда ёзилган код сервернинг ўзида бажарилиб, клиентга HTML шаклида етиб боради. Бу хавфсизлик жаҳатдан анча мақсадга мувофиқ. JavaScript ёрдамида код ёзиш, маълумот узатиш ва қабул қилишни бироз тезлаштиради, кодни клиент кўриш имкониятига эга бўлади. Барибир ҳар иккисини бошқаси боса олмайдиган ўз ўрни бор, равшанки бу ўрин PHPда муҳимроқ ва каттароқ.

**PHP имкониятлари.** «*PHP* да ҳар қандай дастур бажарса бўлади», – деган эди унинг яратувчиси. Биринчи навбатда *PHP* тили сервер томонидан бажариладиган скриптлар яратиш учун фойдаланилади ва айнан шунинг учун у яратилган. *PHP* тили ихтиёрий *CGI*-скриптлари масалаларини ечишга ва бундан ташқари html формали маълумотларни қайта ишлашга ҳамда динамик равишда html саҳифаларни ишлаб чиқишга қодир. Бироқ *PHP* тили фойдаланиладиган бошқа соҳалар ҳам мавжуд. Бу соҳаларни биз учта асосий қисмга бўламиз:

- Биринчи соҳа – биз юқорида айтиб ўтганимиздек, сервер томонидан бажариладиган иловалар (скриптлар) яратиш. *PHP* тили бундай турдаги скриптларни яратиш учун жуда кенг қўлланилади. Бундай иш кўрсатиш учун *PHP*-парсер (яъни *php*-скриптларни қайта ишловчи) ва скриптларни қайта ишловчи *web*-сервер, скриптларни натижасини кўриш учун браузер ва албатта *php*-коддини ёзиш учун қандай бўлса ҳам матн муҳаррири керак

бўлади. *PHP*-парсер *CGI*-дастурлар кўринишида ёки сервер модуллари кўринишида тарқалган. Уни ва *web*-серверни компьютеримизга қандай ўрнатамиз, биз бу ҳақида кейинроқ кўриб ўтамиз.

- Иккинчи соҳа – буйруқлар сатрида бажариладиган скриптларни яратиш. Яъни *PHP* тили ёрдамида бирор-бир компьютерда браузер ва *web*-серверлардан мустақил равишда ўзи бажариладиган скриптларни ҳам яратиш мумкин. Бу ишларни бажариш учун ҳеч бўлмаганда *PHP*-парсер (бу ҳолатда биз уни буйруқлар сатри интерпретатори (CLI, command line interpreter) деб атаёмиз) талаб этилади. Бундай ишлаш услуги турли масалаларни режалаштириш ёрдамида бажарилиши учун керак бўлган скриптлар ёки оддий матнни қайта ишлаш учун керак бўлган масалага ўхшаш ишлайди.
- Ва ниҳоят охири учинчи соҳа – бу миждо томонидан бажариладиган *GUI*-иловаларни (график интерфейс) яратиш. Бу соҳа *PHP* тилини эндигина ўрганаётган фойдаланувчилар учун унча муҳим бўлмаган соҳадир. Бирок агарда сиз *PHP* тилини чуқур ўрганган бўлсангиз, бу соҳа сиз учун анча муҳимдир. *PHP* тилини бу соҳага қўллаш учун `php` кенгайтмали махсус ёрдамчи – *PHP-GTK* талаб этилади.

Шундай қилиб, *PHP* тилини қўлланилиш соҳалари кенг ва турличадир. Юқоридаги масалаларни еча оладиган бошқа турлича дастурлаш тиллари ҳам мавжуд, унда нима учун *PHP* тилини ўрганишимиз керак? У тил бизга нима беради? Биринчидан, *PHP* тили ўрганиш учун жуда қулай. *PHP* тилини синтаксиси асосий қоидалари ва ишлаш принципи билан етарлича танишиб чиқиб ўзингизни шахсий дастурингизни тузиб кўриб, сўнгра уни бошқа дастурлаш тилларида тузилган вариантлари билан солиштирсангиз бунга гувоҳи бўласиз.

Иккинчидан, *PHP* тили барча бизга маълум платформаларда, барча операцион тизимларда ҳамда турлича серверларда эркин ишлай олади. Бу хусусият жуда муҳим. Масалан, кимдир Windows операцион тизимдан Linux операцион тизимга ёки IIS сервердан Apache серверга ўтмоқчи бўлса *PHP* тилини ўрганиши шарт.

*PHP* дастурлаш тилида дастурлашнинг иккита ҳаммабоп парадигмалари ишлатилади, булар процедурали ва объектли дастурлаш. *PHP4* дастурлаш тили процедурали дастурлашни бутунлай қўллаб қувватлайди, бироқ объектли стилдаги дастурларни ҳам қўлласа бўлади. *PHP5* дастурлаш тилининг биринчи тестлаш версиясида *PHP4* дастурлаш тилида учрайдиган объектга йўналтирилган дастурлаш моделларининг камчиликлари тўлдирилган. Шундай қилиб, ҳозирда таниш бўлиб улгурган ишлаш принципини танлаш керак.

Агарда *PHP* тилини ҳозирги имкониятлари тўғрисида гаплашадиган бўлсак, у ҳолда биз *PHP* тилини биринчи версиясидан анча йироқлашиб кетган бўламиз. *PHP* дастурлаш тили ёрдамида тасвирлар, *PDF*-файллар, флэш-роликлар яратиш мумкин; ҳозирги вақтдаги замонавий маълумотлар базасини қўллаб қувватлайди; ихтиёрий матнли файл форматлари билан, ҳамда *XML* ва файллар тизими билан ишлайдиган функциялар ҳам қўшилган. *PHP* тили турли сервислар ўртасидаги протоколларнинг ўзаро алоқасини қўллаб қувватлайди. Буларга мисол тариқасида папкаларга киришни бошқариш протоколи *LDAP*, тармоқ қурилмалари билан ишлайдиган протокол *SNMP*, маълумотларни узатиш протоколлари *IMAP*, *NNTP* ҳамда *POP3*, гиперматнларни узатиш протоколи *HTTP* ва бошқаларни олиш мумкин.

*PHP* дастурлаш тилини турли дастурлаш тиллари ўртасидаги ўзаро алоқасига диққатни қаратсак, бунга Java дастурлаш тилини айтиб ўтиш керакки, Java дастурлаш тили объектларини *PHP* тили ўз объектлари сифатида қарайди. Объектларга мурожаат сифатида *CORBA* кенгайтмасидан фойдаланилади.

Матнли ахборотлар билан ишлаш учун *PHP* тили ўзига Perl дастурлаш тилидаги тартибланган ифодалар билан ишлай оладиган механизмларни (катта бўлмаган ўзгаришларсиз) ва UNIX-тизимини мерос қилиб олади. *XML*-хужжатларини қайта ишлаш учун стандарт сифатида *DOM* ва *SAX*, *XSLT*-трансформацияси учун API дан фойдаланиши мумкин.

Электрон тижорат иловаларини яратиш учун бир қатор тўловни амалга оширадиган *Cybercash*, *CyberMUT*, *VeriSign Payflow Pro* ҳамда *CCVS* каби фойдали функциялар мавжуд.

**Дастурий воситани созлаш ва ўрнатиш.** Юқорида *PHP* тили имкониятларини, қўлланилиш соҳаларини муҳокама қилдик ва тарихини ўргандик. Энди дастурий воситани ўрнатишга керак бўлган ускуналар мажмуини кўриб ўтсак. Модомики, асосий курснинг амалиёти сифатида биз куйидаги масалаларни кўриб чиқамиз: клиент-сервер технологияси сифатида ишланадиган масалалар, мос равишда скриптлар яратилишида қўлланилиши, серверларни қайта ишлаш. Булар учун бизга *web*-сервер ҳамда *PHP* тили интерпретатори керак бўлади. *Web*-сервер сифатида, масалан, *web*-мутахассислар ўртасида машхур бўлган *Apache* серверни оламиз. Дастур натижасини кўриш учун *web*-браузер керак бўлади, бунга мисол *Internet Explorer*.

**Денвер Дистрибутиви.** Биз юқорида *Linux* ва *Windows* платформалари учун *PHP* дастурий воситасини созлаш ва ўрнатиш билан етарлича танишмиз. *PHP* дастурий воситаси ва уни ишлаши учун керак бўладиган компоненталарни ўрганишни хоҳламайдиганлар учун *PHP* дастурининг тайёр *PHP* тилини тўлдирадиган дистрибутивлари мавжуд. Бундай дистрибутивлар ичида кенг тарқалгани - *Денвер* (<http://dklab.ru/chicken/web/>). Уни ўрнатишни ўрганиш учун *web*-мутахассислар сайтларига мурожаат қилиш керак. *Денвер*ни ўрнатиш жуда оддий ҳамда унга ҳеч қандай билим талаб этилмаслигини айтиб ўтиш керак. Бу дистрибутивни *PHP* тилини эндигина ўрганаётган ёш дастурчилар учун тавсия этамиз. Жиддий масалаларни ҳал этиш учун эса *PHP* дастурлаш тилини тўлиқ ўрнатиш ва созлаш керак бўлади.

### **1.3 Масаланинг қўйилиши**

Битирув малакавий ишида Республикамизнинг барча олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган ёш олимлар, ёш ўқитувчилар, мустақил тадқиқотчилар ҳамда магистрантларнинг илмий мақолаларини on-line режимда чоп этиш имконини берадиган web сайт яратиш масаласи қўйилди.

Ушбу масалани ечишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:


- Web технологиялардан фойдаланиш ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш;
- PHP дастурлаш тилининг имкониятларини ўрганиб чиқиш;
- Web сайт дизайнини ишлаб чиқиш;
- Сайтнинг маълумотлар базасини яратиш;
- Web сайтни HTML, CSS, JavaScript, JQueryys технологиялари ва PHP дастурлаш тили асосида яратиш;
- Фойдаланувчи учун йўриқнома ишлаб чиқиш.

## 2. МАҚОЛАЛАРНИ ON-LINE ЧОП ЭТУВЧИ WEB САЙТНИ ЯРАТИШ

### 2.1. Web сайтни яратиш технологияси ва дизайнини ишлаб чиқиш

Асосий саҳифанинг дизайни, умуман барча саҳифаларнинг дизайни масаласи ҳам асосий кўриб чиқиладиган, тизимнинг оммалашиси ва ундан фойдаланувчилар учун қулайликлар яратиш, структуранинг тушунарли бўлиши ва шу каби жуда кўп факторларга боғлиқ равишда тизимнинг истиқболлини белгиловчи бирламчи масалалар қаторига киради. Шу жиҳатни ҳисобга олиб қуйида дизайн масаласи алоҳида кўриб ўтилган [6].

Асосий саҳифа бир неча қисмларга бўлинган бўлиб, банер, юқори қисм, чап ва ўнг, ҳамда асосий қисмга бўлинади. Жадвалда ушбу қисмлар номерлар билан кўрсатилган, улар:




1. **Юқори меню.** Бу менюда тизимнинг асосий структураси ифодаланган бўлиб, улар:

- a. **Янгиликлар** – Илмий татқиқот ишларидаги янгиликлар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилтб борилади.
- b. **Мақола қўшиш** – Сайтга аъзо бўлган фойдаланувчилар илмий мақолаларини жойлаштиради.
- c. **Мақолага талаблар**– Бунда асосан илмий мақолаларни қандай форматда тайёрлаш ҳақида маълумотлар жойлаштирилган.

- d. **Алоқа** - Бунда сайт администраторига хабар юбориш мумкин.
  - e. **Аъзо бўлиш**- Илмий татқиқот ишларини тақдим этмоқчи бўлган фойдаланувчилар рўйхатдан ўтади.
  - f. **Кириш**- Сайтга аъзо бўлган фойдаланувчилар ўз саҳифаларига шу бўлим орқали кирадилар.
2. **Ўнг блок менюси**. Бунда лойиха ҳақида маълумот берилган ва янгиликлар бўлими келтирилган.
  3. **Ўрта қисм**. Бунда илмий татқиқот ишлар йўналишлари ва уларда нечта мақолалар жойлаштирилганлиги келтирилган. Мақолалар сони автоматик ҳисобланади.

Айни мана шу ўринда такидлаб ўтиш керак, мавжуд тизимдан фойдаланиш қулайликларини янада ошириш мақсадида биринчи навбатда барча мавжуд ахборот турлари учун асосий саҳифада кўрсатмалар ёки қисқача маълумотлар - илова тарзида берилиб ўтилган. Бу билан фойдаланувчи учун керакли маълумотни топиш ва уни олиш имкониятини соддалаштиради. Иккинчидан эса умуман саҳифалар кетма кетлиги, уларни очилиш тартиби 3 та қадам, яъни уч этапли суб сайт (sub site) кўринишида амалга оширилади.

Фойдаланувчилар учун илмий мақолаларни on-line чоп этиш web сайтини web технология асосида дастурий таъминотни яратишдан олдин уни амалга ошириш архитектураси ва ишлаш алгоритминини ишлаб чиқиш талаб этилади. Сайтни архитектураси шундай тузилиши керакки, унда маълумотлар тизимлаштирилган ва ташриф буюрувчилар излаётган маълумотларини тез ва осон топишлари учун қулай навигация ташкил этилиши зарур. Пухта ўйлаб чиқилган ва юқори савия билан лойихаланган архитектура бу сайтга мижозларнинг ташриф буюришлар сонини ортишига сабаб бўлади. Қуйидаги сайтнинг тузилиш архитектураси келтирилган.



2.1-Расм. Сайт тузилмаси

Бунда махсус дастурлаш тили PHP дан фойдаланилди ва маълумотларни тахрирлаш, дизайн масалалари ва маълумотлар базасини яратиш мақсадида махсус дастурлардан фойдаланилган: PHP, MySQL, HTML, JavaScript, JQuery ва турли шу каби кўмакчи дастурлар ёрдамида амалга оширилмоқда.

Сайт ҳақида яна бир маълумотни айтиб ўтиш зарур, юқорида келтирилган иш режасига этибор қилсангиз, тизим тузилмаси, дизайни ва ижодий ёндашув қисмига алоҳида урғу берилган. Ҳақиқатдан ҳам тузилмага, дизайнга ва фаолият жараёнига ижодий ёндашув асосида янгича услуб ва методлар қўлланилмоқда.

Сайтга талаблар:

- **Denver**
- **MySQL Server**

Қўшимча сифатида:

- **JAVA 2 Platform Standard Edition Development KIT 5.0**

- **J2SE Runtime Environment**
- **MySQL Server 4.1**
- **Tomcat 4.0.3**

Сайтни web технология асосида яратишда қулай интерфейс ва фойдаланувчилар диққатини иложи борича ўзига жалб қилиш омилларига катта эътибор қаратилди. Интерфейс дизайнини яратишда муайян стилдан фойдаланиш учун айнан бир хил элементларни саҳифа кодида такрорланмаслиги учун **CSS** – Cascading Style Sheets технологияси қўлланилди.

PHP дастурлаш тиллари имкониятларидан фойдаланиб, сайтни мукамалроқ ва турли тажовузкор кимсалар томонидан бўладиган ўзгартиришларга йўл қўймаслик учун маълум чоралар қўлланилди.

Сайтни яратишда қўлланиладиган PHP дастурлаш тилининг қуйидаги афзалликларини келтириш мумкин:

Биринчи навбатда PHP тили сервер томонидан бажариладиган скриптлар яратиш учун фойдаланилади ва айнан шунинг учун у яратилган. PHP тили ихтиёрий CGI-скриптлари масалаларини ечишга ва бундан ташқари html формали маълумотларни қайта ишлашга ҳамда динамик равишда html саҳифаларни ишлаб чиқишга қодир. Бироқ PHP тили фойдаланиладиган бошқа соҳалар ҳам мавжуд. Бу соҳаларни биз учта асосий қисмга бўламиз:

**Биринчи соҳа** – биз юқорида айтиб ўтганимиздек, сервер томонидан бажариладиган иловалар (скриптлар) яратиш. PHP тили бундай турдаги скриптларни яратиш учун жуда кенг қўлланилади. Бундай иш кўрсатиш учун PHP-парсер (яъни php- скриптларни қайта ишловчи) ва скриптларни қайта ишловчи web-сервер, скриптларни натижасини кўриш учун браузер ва албатта php-кодини ёзиш учун қандай бўлса ҳам матн муҳаррири керак бўлади. PHP-парсер CGI-дастурлар кўринишида ёки сервер модуллари кўринишида тарқалган. Уни ва web-серверни компьютеримизга қандай ўрнатамиз, биз бу ҳақида кейинроқ кўриб ўтамиз.

**Иккинчи соҳа** – буйруқлар сатрида бажариладиган скриптларни яратиш. Яъни PHP тили ёрдамида бирор-бир компьютерда браузер ва web-серверлардан мустақил равишда ўзи бажариладиган скриптларни ҳам яратиш мумкин. Бу ишларни бажариш учун ҳеч бўлмаганда PHP-парсер (бу ҳолатда биз уни буйруқлар сатри интерпретатори (CLI, command line interpreter) деб атаёмиз) талаб этилади. Бундай ишлаш услуби турли масалаларни режалаштириш ёрдамида бажарилиши учун керак бўлган скриптлар ёки оддий матнни қайта ишлаш учун керак бўлган масалага ўхшаш ишлайди.

**Учинчи соҳа** – бу мижоз томонидан бажариладиган GUI-иловаларни (график интерфейс) яратиш. Бу соҳа PHP тилини эндигина ўрганаётган фойдаланувчилар учун унча муҳим бўлмаган соҳадир. Бироқ агарда сиз PHP тилини чуқур ўрганган бўлсангиз, бу соҳа сиз учун анча муҳимдир. PHP тилини бу соҳага қўллаш учун php кенгайтмали махсус ёрдамчи – PHP-GTK талаб этилади.

PHP тилини қўлланилиш соҳалари кенг ва турличадир. Юқоридаги масалаларни еча оладиган бошқа турлича дастурлаш тиллари ҳам мавжуд, унда нима учун PHP тилини ўрганишимиз керак? У тил бизга нима беради? Биринчидан, PHP тили ўрганиш учун жуда қулай. PHP тилини синтаксиси асосий қоидалари ва ишлаш принципи билан етарлича танишиб чиқиб ўзингизни шахсий дастурингизни тузиб кўриб, сўнгра уни бошқа дастурлаш тилларида тузилган вариантлари билан солиштирсангиз бунга гувоҳи бўласиз.

Иккинчидан, PHP тили барча бизга маълум платформаларда, барча операцион тизимларда ҳамда турлича серверларда эркин ишлай олади. Бу хусусият жуда муҳим. Масалан, кимдир Windows операцион тизимдан Linux операцион тизимга ёки IIS сервердан Apache серверга ўтмоқчи бўлса PHP тилини ўрганиши шарт. PHP дастурлаш тилида дастурлашнинг иккита ҳаммабоп парадигмалари ишлатилади, булар процедурали ва объектли дастурлаш. PHP4 дастурлаш тили процедурали

дастурлашни бутунлай қўллаб қувватлайди, бироқ объектли стилдаги дастурларни ҳам қўлласа бўлади. PHP5 дастурлаш тилининг биринчи тестлаш версиясида PHP4 дастурлаш тилида учрайдиган объектга йўналтирилган дастурлаш моделларининг камчиликлари тўлдирилган. Шундай қилиб, ҳозирда таниш бўлиб улгурган ишлаш принципини танлаш керак.

Агарда PHP тилини ҳозирги имкониятлари тўғрисида гаплашадиган бўлсак, у ҳолда биз PHP тилини биринчи версиясидан анча йироқлашиб кетган бўламиз. PHP дастурлаш тили ёрдамида тасвирлар, PDF-файллар, флэш-роликлар яратиш мумкин; ҳозирги вақтдаги замонавий маълумотлар базасини қўллаб қувватлайди; ихтиёрий матнли файл форматлари билан, ҳамда XML ва файллар тизими билан ишлайдиган функциялар ҳам қўшилган. PHP тили турли сервислар ўртасидаги протоколларнинг ўзаро алоқасини қўллаб қувватлайди. Буларга мисол тариқасида папкаларга киришни бошқариш протоколи LDAP, тармоқ қурилмалари билан ишлайдиган протокол SNMP, маълумотларни узатиш протоколлари IMAP, NNTP ҳамда POP3, гиперматнларни узатиш протоколи HTTP ва бошқаларни олиш мумкин.

## 2.2. Сайтнинг маълумотлар базасини бошқариш технологияси

Маълумотлар базаси – ахборотлар тизимларининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Охирги фойдаланувчи ва маълумотлар базаси администраторининг ишини енгиллаштириш учун МББТ яратилган эди. Бу тизимлар маълумотлар базасини амалий дастурлардан ажратади. МББТ дастур ва аппарат воситаларининг мураккаб комплекси бўлиб, фойдаланувчи шу туфайли фақат маълумотлар базасини мантиқий ташкил этишнигина тасаввур қилади. Маълумотлар базасини мантиқий ташкил этиш уни физик амалга оширишдан (яъни ташкил этиш ва файлларни ишлашдан) сезиларли фарқ қилиши мумкин. Фойдаланувчиларнинг ихтиёрида талаблар тили бўлиб улар ёрдамида фойдаланувчилар маълумотларни танлаши ва ўзгартириши мумкин. **Жадвал** реляцион модел маълумотлари (объекти)нинг асосий тури ҳисобланади. Жадвалнинг тузилиши устунларнинг йиғиндиси билан белгиланади. Жадвалнинг ҳар бир сатрида тегишли устунга мос келувчи биттадан мазмун жойлашган бўлади. Жадвалда иккита бир хил сатр бўлиши мумкин эмас. Сатрларнинг умумий сони чегараланмаган.

**Устун** маълумотларининг баъзи таркибий қисми – **атрибутга** мос келади. Атрибут маълумотларнинг энг оддий тузилмасидир. Жадвалда юқорида кўриб ўтилган тармоқли ва иерархик моделлардаги каби кўп таркибий қисмлари гу-руҳ ёки такрорланувчи гуруҳ кабилар белгиланиши мумкин эмас. Жадвалнинг ҳар бир устини маълумотлар тегишли таркибий қисми (атрибут)нинг номига эга бўлиши керак. Маъноси жадвал сатрига тенг бўлган бир ёки бир нечта атрибутлар жадвалнинг **калити** ҳисобланади [7].

Тарихий шахар ва обидалар динамик сайтнинг маълумотлар базаси қисмини яратиш учун Mysql маълумотлар омборини танлаб олинди. Ушбу маълумотлар омборида сайт учун керакли бўлган маълумотларни жойлаш учун маълумотлар базаси ва у база ичида жадвалларни жойлаштириш керак.

Сайтни маълумотлар базаси MySQL тизимида яратилган бўлиб дастур PHP дастурлаш тилиад ёзилган бўлиб, бир нечта жадваллардан иборат бўлиб маълумотлар янгиланиб боради. PHP тилининг энг ажойиб томонларидан

бири, дастурчи маълумотлар базаси билан ишлашда жуда ҳам кўплаб қулайликларга эга бўлади. Бу маъруза давомида биз асосан MySQL системаси ҳақида фикр юритамиз. Лекин, албатта PHPнинг бошқа маълумотлар базаси асосида ишловчи системалар билан алоқасини ҳам бироз бўлсада кўриб ўтамиз. «Нима учун айнан PHP билан MySQL ўртасида ўзаро алоқани ўрганишимиз лозим. Бу система маълумоларни бошқариш системаси ҳисобланиб, у PHPнинг энг асосий манбаси ҳисобланади, ҳамда бу система бепул тарқатилади ва фойдаланишга ҳамда ўрганишга жуда ҳам қулай ҳисобланади. Булардан ташқари MySQL база билан ишловчи системани жуда ҳам кўплаб платформалари мавжуд. Агар бу система компьютеримизда мавжуд бўлмаса, биз уни <http://www/mysql.org>. тармоғидан олишимиз мумкин. Мавзуни ўзлаштириш давомида эса, асосан қуйидагиларни ўрганамиз:

SQL инглиз тилидаги Structured Query Language ёки ўзбек тилидаги сўровлар асосидаги структурали тил сўзларининг қисқартмасидан ташкил топган. Бу тил турли хилдаги маълумотлар базасига мурожаат қилиш учун стандарт имкониятларга эга бўлган тил ҳисобланади. Кўплаб базалар бу тил асосида ўзининг версияларига ҳам эга. Лекин шунга қарамасдан SQL турли хил кўринишдаги маълумотлар базалари билан ишлаш имконини бера олади. Бу маърузада биз SQL билан ишлашнинг деярли барча имкониятларини кўриб ўтмасакда, асосий тушунчалари, SQL тилининг бир қисми ҳисобланган MySQL маълумотлар базаси билан ишлашни ўрганамиз. MySQL тизими бошқа (удаленный) компьютерлардаги фойдаланувчилар билан боғланиши мумкин бўлган серверга эга бўлади. Серверга боғланиб биз ўзимиз учун керак бўлган базани топишимиз ва у билан ишлай олишимиз мумкин.

Базадаги маълумотлар ҳамisha қандайдир жадвалга эга бўлган кўринишда бўлади. Ҳар бир жадвал эса, устун ва қаторлардан иборат бўлиб, ҳар бир ячейкада маълумотлар сақланади. Ҳар бир устунда эса, битта типга тегишли маълумотларни ёзилади.

Ахборотлар тизимларининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Охирги фойдаланувчи ва маълумотлар базаси администраторининг ишини энгиллаштириш учун МББТ яратилган эди. Бу тизимлар маълумотлар базасини амалий дастурлардан ажратади. МББТ дастур ва аппарат воситаларининг мураккаб комплекси бўлиб, фойдаланувчи шу туфайли фақат маълумотлар базасини мантиқий ташкил этишнигина тасаввур қилади. Маълумотлар базасини мантиқий ташкил этиш уни физик амалга оширишдан (яъни ташкил этиш ва файлларни ишлашдан) сезиларли фарқ қилиши мумкин. Фойдаланувчиларнинг ихтиёрида талаблар тили бўлиб улар ёрдамида фойдаланувчилар маълумотларни танлаши ва ўзгартириши мумкин.

